

Солиҳларга кўра рўзани бузувчи амаллар



15:00 / 28.05.2017 7084

Солиҳларга кўра рўзани бузувчи амаллар

Маълумки, шариат истилоҳида рўза: «Тонг отгандан то қуёш ботгунича ният билан рўзани очувчи нарсалардан ўзни тиймоқликдир».

Ейиш, ичиш, жинсий яқинлик қилиш каби рўзани очиб юборадиган нарсалардан тийилиш, рўзанинг моддий жиҳатдан шартлари ҳисобланади. Ушбу шартлар банданинг зиммасидан фарзни соқит қилса-да, солиҳлар наздида рўзанинг мукамал бўлиши учун етарли эмас. Улар рўзадор тийилиши лозим бўлган бошқа амалларни зикр қилганлар. Қуйидагилар шулар жумласидан:

1. Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан кўзни тийиш. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

«Мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қилаётганларидан ўта хабардордир. Мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, зоҳир бўлгани мустасно» (Нур сураси, 30-31-оятлар).

Имом Тобарий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийда: **«Албатта, (номаҳрамга) назар қилиш иблиснинг заҳарланган ўқларидан биридир. Ким Мендан кўрқиб, у(назар)ни**

тарк қилса, бадалига бир иймон бераманки, унинг ҳаловатини ўз қалбида топади», дейилган.

2. Тилни ғийбат, чақимчилик, ёлғон ва бошқа беҳуда нарсалардан сақлаш. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Қачон бирортангиз рўзадор ҳолида бўлса, беҳаё сўзларни гапирмасин ва жоҳиллик ҳам қилмасин. Агар биров у билан сўкишмоқчи ёки урушмоқчи бўлса, «Мен рўзадорман, мен рўзадорман», десин», деганлар.

3. Қулоқни ҳаромдан тийиш. Ҳар бир мусулмон инсон Аллоҳ аzza ва жалланинг: **«Улар ёлғонга кўп қулоқ солувчилар...»** (Моида сураси, 42-оят) ояти остига кириб қолмаслик учун ҳаром нарсаларни эшитишдан ўзини эҳтиёт қилиши лозим.

Умуман олганда барча аъзоларни Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан сақлаш лозим. Шубҳасиз, рўзада барча аъзоларни Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийишнинг даражаси, фақатгина еб-ичиш ва жинсий яқинликдан тийилишнинг даражасидан юқорироқдир.

Рўзанинг энг олий даражаси эса Аллоҳ таолодан бошқа нарсалар билан қалбни машғул қилмасликдир. Абу Саъид Ал-Хорроз айтади:

“Аллоҳ тарафидан берилган ва уни қўлдан бой берган Аллоҳдан ўзга ҳар бир нарсанг камдир. Аллоҳдан ўзга қўлга киритган ҳар бир насибанг камдир. Модомики, Аллоҳга бўлган иймонинг бор экан, йўқотган нарсаларингнинг кўплигига парво қилма – кимки Аллоҳни танимаса, унинг насибаси қанчалик кўп бўлмасин, аслида камдир”.

Араб тилидан **Умму Билол** таржимаси.